O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATA
INV. №

*Ватан ҳимояси – иймон рамзи*

# ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

**2006** йил, **9** июнь, жума № **23** (2150).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **9** июня, **2006** год, № **23** (2150).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | **E-mail: vatan@rol.uz** | В розницу – цена свободная

Армиямизнинг минг-минглаб йигитлар учун чинакам мардлик, фидоийлик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби бўлиб қолгани қувонарлидир.

**Ислом КАРИМОВ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ОЛТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг олтинчи ялпи мажлиси 2006 йил 9 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Фтизиатрия ва пульмонология илмий-текшириш институтида соҳада эришилган ютуқ ва муаммоларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуманда сил касаллигининг олдини олиш, аниқлаш, ташҳис қўйиш, даволаш ва реабилитациясига оид янгича ёндашувлар, нафас йўллари ва сурункали ўпка касалликларини даволашнинг замонавий технологияларига бағишланган маърузалар тингланди. Уларни даволашда қўлланилаётган янги дори-дармонлар ва тиббий технологиялар кўргазмаси намойиш этилди.

●

Жиззах вилоятида ўрилган ғаллани қабул пунктларига узлуксиз етказиб беришга шахсий юк автомобилларини фаол жалб этиш кенг йўлга қўйилди.

Вилоятда бу йил 176 минг гектар майдондан ғалла йиғиштириб олинади. Ҳосилни ташишда 1050 та шахсий юк машинаси қатнашади. Шу муносабат билан мавсум олдидан уларнинг барчаси техник кўрикдан ўтказилди. Тайёрлов корхоналари билан тузилган шартномага мувофиқ ишда унумдорликка эришган шахсий транспорт эгалари яхши даромад олмоқда.

●

Наманган вилояти стандартлаш ва метрология бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган амалий семинар-кенгашда ғалла ўрим-йиғимини самарали ўтказиш билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди. Бошқарма мутахассислари «Давуруғназорат» вилоят маркази, «Намангандонмаҳсулот» акционерлик жамияти, Давлат уруғчилик инспекцияси вакиллари билан бирга ғаллани ўриш, сақлаш, ташиш ва қайта ишлаш сифатини таъминлаш юзасидан фикр алмашди.

Келгуси йил учун бошоқли экинлар уруғлик фондини яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

●

Гулистон шаҳрида замонавий савдо мажмуи ишга туширилди. «Афросиёб» номи билан аталаётган ушбу иншоот саккиз ой ичида қуриб битказилди.

Супермаркет, шинам қаҳвахона ва сартарошхонани ўз ичига олган мажмуанинг очилишида кам таъминланган оилаларнинг юз нафардан зиёд ўғил-қизига қимматбаҳо совғалар топширилди.

●

Навоий шаҳридаги маданият ва истироҳат боғида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан экологик фестиваль ўтказилди.

Унда вилоятдаги ўнлаб корхона, ташкилот, ўқув муассасалари наботат ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилишга доир ўз кўргазмалари билан иштирок этди.

●

Марғилонда ушбу шаҳарнинг қутлуғ тўйига бағишланган улкан бунёдкорлик, ободончилик ишлари давом этмоқда.

Марғилон-Олтиариқ катта автомобиль йўли ёқасида қад кўтараётган Марғилон тиббиёт коллежи биноси ана шундай объектларнинг бири. 360 ўринга мўлжалланган ушбу таълим маскани биноси вилоятдаги бошқа коллежлардан нафақат ўзига хос кўриниши, балки ўқув-лаборатория поликлиникасига эга экани билан ҳам ажралиб туради.

●

Ўзининг дастлабки кунлариданоқ Тахиатош шаҳрининг сўлим гўшасида жойлашган «Айдин жўл» болалар оромгоҳи дам олувчилар билан гавжумлашди. Бу ерда Қанликўл, Кегейли, Хўжайли ва Қўнғирот туманлари ҳамда Нукус шаҳридан 130 нафар ўғил-қиз дам олаяпти.

«Тахиатош йўл-кўприк» қурилиш корхонаси тасарруфидаги ушбу оромгоҳда болажонларнинг ҳордиқ чиқариши ва бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Иккита чўмилиш ҳавзаси, кутубхона, спорт саройи улар ихтиёрида.

**(ЎзА хабарлари асосида тайёрланди).**



*Посбонлик сабоғин олар йигитлар*

Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

## АСКАРЛАР ҲУЗУРИДА МЕҲМОНДА

Ҳарбийларнинг кундалик ҳаёти назарий машғулотлар ва жисмоний тайёргарликка бой. Тиғиз жадвал дам олишга вақт қолдирмайди. Шу боис Андижон шаҳридаги ҳарбий қисмда ўтказилган учрашув жуда марокли бўлди. Офицерлар ва аскарлар учун бу учрашувни «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Андижон вилояти кенгаши «Маънавият ва маърифат» маркази ва «Ўзбекнаво» эстрада-концерт бирлашмасининг вилоят бўлимлари билан бирга ташкил этди.

«Камолот»нинг вилоят кенгаши бўлим мудири А.Мамаюсупов бугунги ёшларнинг ташвиш ва режалари ҳақида аскарларга сўзлаб берди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари О.Раҳимовнинг чиқиши йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. У мамлакатимиз Қуролли Кучларидаги ислоҳотлар ҳамда ҳарбий хизматни ўтаган абитуриентларга бериладиган имтиёзлар ҳақида гапирди.

«Ўзбекнаво» эстрада-концерт бирлашмасининг вилоят бўлими ижрочилари катта концерт дастурини намойиш этди.

**С.ШУКУРОВ, ЎзА.**

**Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги**

## ЭЪТИҚОД, САДОҚАТ ҲАҚИҚИЙ БАХТДИР

Ватан тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Бир халқ вакиллари жамул-жам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд назарда тутилса, бу кенг маънодаги, киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилса, бу тор маънодаги тушунчадир. Ўзбекларда бирор одам ватанли бўлди, дейилганда ўша одам уйли-жойли, бошпанали бўлди, деган маъно англашилади.

Ҳазрат Алишер Навоий Ватан тушунчасини она юрт, ўрин, туғилиб ўсган жой, маскан, манзил маъноларида ишлатганлар. Шунингдек, Ватан калимаси бадиий адабиётда кўчма маънода кўнгил мулкининг маскани тарзида ҳам қўлланилади.

Табиийки Ватан тушунчаси тарих давомида ижтимоий-иқтисодий тараққиёт муносабати билан ўзгариб, кенгайиб, ривожланиб, бойиб борган. Масалан, ибтидоий жамоа тузуми шароитида муайян қабила яшаган жой ўша қабиланинг Ватани саналган. Жондош ва тилдош қабилаларнинг узвий иттифоқидан элат пайдо бўлган, элат яшаган ҳудуд эл деб аталган. Масалан, ўзбек халқ достонларида Чамбил эли ибораси кўп учрайди. Муайян ҳудуд доирасида марказий бошқарувнинг пайдо бўлиши билан Ватан тушунчаси элат, яъни халқ ва давлат тушунчаларини ўзига қамраб олган.

**(Давоми 7-бетда).**

**Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди**



## 3. ДУНЁВИЙ ИЛМЛАР ТАРАҚҚИЁТИ САРИ

**(Хоразм Маъмун академиясининг минг йиллигига)**

Инсоният тарихидаги илк академиялардан бири сифатида эътироф этиладиган Хоразм Маъмун академияси истиқлол сабаб қайта тикланди, тикланмоқда. Аввало бир саволга ойдинлик киритиб ўтсак. Хўш, мазкур академияни қайта тиклаш биз учун нима беради?

Президентимиз Ислом Каримов ўша тарихий Фармони — «Хоразм Маъмун академиясини қайтадан ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони билан мазкур саволга жавоб бериб ўтганди. Унга кўра, бу эзгу иш орқали мамлакатимизнинг илмий салоҳиятини янада ривожлантириш, жаҳон ҳамжамиятида бу борадаги ўрнимизни тобора мустаҳкамлаш, истеъдодли, фидойи олимларимизни қўллаб-қувватлаб, уларнинг интеллектуал салоҳиятини дунёвий илмлар тараққиётига йўналтириш каби муҳим масалалар сари қадам ташладик. Шу ўринда яна бир табиий савол туғилади. Бундайин устувор мақсадларимиз йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз қандайин кечмоқда? Келинг, гапни ибтидосидан бошлай қолайлик.

Фармон эълон қилинган пайтдаёқ академиянинг таркибида «Археология, тарих ва фалсафа», «Тил ва адабиёт», «Биология муаммолари» бўлимлари ташкил қилиниб, уларда тўққизта илмий мавзу бўйича 26 илмий ходим, шу жумладан, беш нафар фан доктори ва тўққиз нафар фан номзодлари илмий тадқиқотлар олиб боришди.

**(Давоми 7-бетда).**

Муштарийларимизга

## ЮРТ ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Бугун аскар бўлишнинг қанчалар шараф, фахр эканлигини яхши биламиз. Бу албатта муддатли ҳарбий хизматнинг нуфузи ортаётгани, ёшларимиз аскар бўлиш, миллий армиямиз сафларида хизмат қилиш истаги билан ёнаётгани, демакки, юрт ҳимоясини муқаддас бурч деб англаётганидан. Аскар бўлиш насиб этган сараларнинг саралари ҳарбий Қасамёд қабул қилиб, ёзги ўқув мавсуми машғулотларига киришишди. Таъбир жоиз бўлса, Қасамёд йигитнинг юрагидаги кучни уйғотди. Жасорат, матонат, садоқат деган туйғулардан аланга олган кучни.

Ватан уларга юксак ишонч билдириб, энг замонавий жанговар техника, қурол-аслаҳани топширмоқда. Демак, аскарликнинг энг қайноқ, энг масъулиятли дамлари бошланди. Ишончни оқлаш, Ватаннинг том маънодаги суянчи ва таянчи бўлиш учун ҳарбий илмларни пухта эгалламоқ лозим. Таъкидлаш жоизки, бунинг учун ёш аскарларимизда ақлу заковат, билим етарли. Ахир, уларнинг аксарияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг меваси бўлган замонавий коллеж ва лицейларда таҳсил олишган. Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти мактабларида ҳарбий-техникавий билимларни эгаллашган. Демакки, юксак интеллектуал салоҳиятга, билим ва иқтидорга эга.

Баҳорда сафларни тўлдирган аскарларимизнинг қалбларида ғурур, ифтихор ҳисси янада жўш ураётгани табиий. Ахир, улар истиқлолнинг 15 йиллик тўйи нишонланиш арафасида эгнига ҳарбий либос кийишди. Энг улуғ, энг азиз неъматимизни ҳимоялашга киришишди.

Ўзбекистон аскари! Саралар ичидан бежиз сараланмаганлигингни, фахрли, шарафли касбга муносиб эканлигингни исботлашга, ҳаёт мактаби, йигитлик мактаби дея эътироф этиладиган армиядан улкан сабоқлар олишга фурсат етди. Ҳа, армиядан умрингга татигулик сабоқлар олиб, ҳар томонлама чиниқиб, ёруғ юз билан уйингга, маҳаллангга, ёру биродарларинг олдига қайтишингга ишонамиз.

Вужудингизда айни дамларда аланга ола бошлаган куч — Ватанга бўлган муҳаббат Сизни она юртингиз Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаши шубҳасиз.

Оталар сизнинг тимсолингизда тинчлик посбонини, оналар фарзандларининг ҳимоячиларини, гўзал қизларимиз эса бўлажак умр йўлдошларини тасаввур қилишади.

Президентимиз таъкидлаганидек, Сиз — она юрт ҳимоячилари Ўзбекистонимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, унинг чегаралари дахлсизлигини таъминлаш учун барча куч ва билимларингизни бахш этишларингизга ишончимиз комил.

**ТАҲРИРИЯТ**

**Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!**



## ПАҲЛАВОН МАҲМУД

### СИРЛИ ЖАНГ САНЪАТИ

**(Муқаддима ўрнида)**

«Қуёш нури баланд тоғ чўққиларини ёритиб келарди. Қадим карвон йўллари шажарасида жойлашган бу тоғлар Хоразмнинг Хева қалъасидан бир ярим кунлик масофада жойлашган. Ўртада азим Жайҳун дарё шиддат солиб оқади.

Ёз кунларининг бирида, тонг пайтида бу эски карвон йўлидан қўлига ҳасса ушлаган паҳлавон келбатли, оқ яктак ва бўз иштонли, бошига хоразмликларнинг тахиясини қўндириб олган дарвеш пиёда одимлаб келмоқда.

У тахминан ўттиз-ўттиз беш ёшларда бўлиб, қорамағиз юзли, чорпаҳил гавдали эди. Чўққи соқоли тиниқ юзига ярашиб тушган, тийрак кўзлари атрофга маъноли боқарди. Қалин қошлари бир-бирига қўшилиб кетган бўлиб, қирра бурни юзига салобатлилик, айни пайтда кўркамлик бахш этар эди. Мўйлаби пастга эгилиб, соқоли билан бирлашган, оғзи ўртача катталикда, кулганда текис ва оқ тишлари ярақлаб кетгандек бўлар, кулдиргичлари бўртиб кўринарди. Ҳаракатлари вазмин бу дарвешнинг бутун вужудидан гўёки нур ёғиларди.

**(Давоми 7-бетда).**



**2** ИДУТ ГОСУДАРСТВЕННЫЕ ЭКЗАМЕНЫ — НОВОЕ КАЧЕСТВО НАСТАВНИКА



**3** РЕЗЕРВГА БЎШАТИЛГАНЛАР БАНДЛИГИ — ЁШ ПОСБОН – МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ



**6** СПОРТ — ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБИ!



**8** ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДИР ДУНЁ — ҲАФТА ГЎЗАЛИ



Мустақиллик иншоотлари

# СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИНГА ТАЪЗИМ

Жалолиддин Мангуберди ҳайкали пойидаман. Унга синчиклаб разм соламан. Жасорат, мардлик, матонат, садоқат билан рўбарў келаман. Машҳур саркарданинг ўткир нигоҳларига узоқ тик қараб туролмадим. Негаки, нигоҳларда қотиб қолган армонлар мени азоблади. Миллати, давлати, она заминини озод қилиш йўлида олиб борилган 11 йиллик курашни ўзида жамлаган армонлар…

Жангу жадаллар сурони – мўғулларга қарши олиб борилган қақшатқич жанглар қулоғим остида жаранглагандек бўлди. Қўлини қилич дастасига қўйиган бобомга юзланаман: «Бор-йўғи 32 йиллик умрингиз давомида, ҳаётингизнинг энг гуллаган даврида юрт учун, озодлик учун асрларга, минг-минг йилларга татигулик ишлар қилдингиз. Чингизхондек машъум куч олдида не-не саркардалар, паҳлавону баҳодирлар тиз чўкди. Сиз эса мағрур турдингиз. Сизни эга олмади. Кўксингизни кериб, ёвга мардонавор қарадингиз. Қатъиятингиз, иродангиз, шижоатингизга, жасоратингизга дунёни забт этишга жаҳд қилган Чингизхон ҳам тан берди, ҳатто. «Отаўғил ана шундай бўлмоғи лозим», дея унинг ўғилларига қарата айтган гаплари матонатингиз олдида бош экканидан эмасми?!

Армонларингиз мени азоблаяпти, дедим. Ёниб турган кўзларингизда уларнинг сурати бор-да, ахир. Хиёнатни, иймонсизликни, ўз манфаатини Ватани, халқи манфаатидан устун қўйишга уринишни назарда тутяпман. Аслида мўғуллар офатидан кўра ҳам ана шулар сизни кўп азоблаган.

Мени руҳлантирадиган, қувонтирадигани – сиз миллатнинг уйғоқ руҳисиз. Сиздайин марду майдонлар сабаб халқимнинг озодликка, ҳурриятга бўлган интилиши сўнмаган. Шунинг учун баралла айта оламизки, истиқлол насимлари ҳур-ҳур эсаётган бу шодумон кунларимизда биз билан биргасиз».

Дунёга машҳур саркарда бобом билан шу зайлда руҳан сўзлашдим, фикрлашдим.

Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини зиёрат қила туриб, унинг номини тиклаш, абадийлаштиришдек эзгу ишлар бошида турган Президентимизга такрор-такрор раҳматлар айтаман. Юртбошимизнинг «Султон Жалолиддин сиймоси нафақат Хоразм, балки бутун Ўзбекистоннинг фахру ғуруридир. У бизнинг озодлигимизга, истиқлолимизга тажовуз қилмоқчи бўлган ҳар қандай ёвуз кучга қарши тик туриб курашишга, мардона зарба беришга қодирлигимизнинг тасдиғи ва тимсолидир», деган гаплари хаёлимдан ўтади.

Бугун мазкур ёдгорлик мажмуаси улкан зиёратгоҳга айланган. Унинг пойида аскарларимиз тантанавор Қасамёд қабул қилишади. Тўй бўлаётган икки ёш машҳур саркарда пойига гуллар қўйишади, унга таъзим бажо келтиришади. Балким кўнгилларидан фарзандлари сиздек мард, жасур, Ватанга садоқатли бўлиши борасидаги эзгу ниятлар ўтар, ўша лаҳзаларда.

Фотомухбиримиз билан Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилаётганимизда, бу майдонда бир йигит эътиборимизни тортди. Танишдик. Хивалик Ҳамро Исмоилов экан. Яқинда Тавсиянома билан муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатилибди. Олий ҳарбий билим юртига ўқишга кириш ниятида экан. «Саркарда бобом зиёратига келдим», дейди вазминлик билан. Аслида бу бўлғуси офицер – она юртининг ҳимоячиси саркарда бобокалони зиёратига – мард, жасур, садоқатли бўлишга сўз беришга келган. Мана, ёдгорлик мажмуаси – истиқлол иншооти бугун ёшларимиз учун қандайин тарбиявий аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги гаплари хаёлимдан ўтади: «…Кўриб турганингиздек, бу улуғвор ҳайкал тимсолида мард ва жасур саркарда, зўр ирода, беқиёс матонат соҳиби бўлган буюк инсоннинг сўнмас шижоати мужассам топган».

Бу маҳобатли ёдгорлик муаллифи ҳақида ҳам қисқача тўхталсак. У ўртачирчиқлик фидойи ҳайкалтарош, Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Тошкент, Самарқанд ва Шаҳрисабзда Амир Темурнинг ҳайкалини бунёд этган Илҳом Жабборов бўлади. Маълумки, ёдгорлик мажмуаси Вазирлар Маҳкамасининг Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги тарихий Қарорига мувофиқ қад ростлади.

Саркардани миллатнинг уйғоқ руҳи, дедим. Ҳа, у эл-юрт ва давлат учун, унинг тақдири ва келажаги учун қайғурадиган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган инсонлар қалбида доимо акс-садо беради.

Урганч шаҳридаги Шовот каналининг икки қирғоғини туташтириб турган улкан меъморий мажмуани – гуллар уфорига тўлган, жасорат, мардлик, садоқат руҳи доимо кезиб юрадиган майдонни сиз ҳам зиёрат қилинг. Буюк аждодимизга эҳтиром айланг. Шунда нафақат унга, шундайин марду майдонларни дунёга келтирган, вояга етказган халқимизга ҳам таъзим қилган бўласиз.

**Майор Алижон САФАРОВ.**

Актуальная тема

# ГОТОВЯСЬ К БОРЬБЕ СО СТИХИЕЙ

**В эти жаркие летние дни одним из актуальных вопросов становится противопожарная безопасность. Конечно, готовность пожарных расчетов к борьбе со стихией является важной и первостепенной во все времена года. Однако летом требования к бдительности пожарников, как правило, многократно возрастают.**



В воинском подразделении, где служит офицер Шухрат Имамов, тренировкам пожарного расчета уделяется самое пристальное внимание. Специалисты здесь подобрались опытные, они активно занимаются профилактикой противопожарной работы. Ведь пожар, как и болезнь, гораздо легче предупредить, чем потом тушить его. Поэтому подчиненные сержанта Назарали Кайназарова наряду с неустанным трудом по повышению своих профессиональных навыков не забывают и об инструктажах личного состава, находящегося в пожароопасных местах.

Например, в парке боевой техники главным объектом внимания пожарников является заправочный пункт и емкости для хранения горючесмазочных материалов. Водители и весь личный состав подразделений обеспечения постоянно получают четкие рекомендации на предмет обеспечения противопожарной безопасности во время выполнения работ на технике и с горючим.

Пожарный расчет постоянно совершенствует свои навыки, отрабатывая действия по прибытию в условный район возгорания и ликвидации очага пожара. В их распоряжении самая современная техника и снаряжение, специальные средства для тушения пожаров. Упорный труд по отработке слаженности взаимодействия укрепляет уверенность в том, что при необходимости пожарники готовы выйти победителями из схватки со стихией.

...Лишь только прозвучал сигнал учебной тревоги, как машина в считанные минуты покинула парк боевой техники под звуки сирены, взяв направление к месту условного возгорания. Споровисто действуют на месте члены пожарного расчета: стремительно разматывается специальный шланг-рукав, каждый воин четко знает свое место и уверенно, без суеты выполняет свои действия.

При подведении итогов занятия сержант Н.Кайназаров с удовлетворением отметил, что все установленные нормативы выполнены с опережением. Это означает, что и в случае реального вызова пожарники прибудут вовремя и спасут от беды. Однако благодушию и самоуспокоенности нет места, члены передового расчета тщательно ведут разбор каждого выезда по учебной тревоге, твердо настроившись раз от раза улучшать собственные показатели.

**Майор Алишер НУРЛАНОВ.**
**Фото Камолиддина ТУРАЕВА.**

Резервга бўшатилганлар бандлиги

# ТАЯНЧ БЎЛИБ, СУЯНЧ БЎЛИБ ЎЗБЕКИСТОНГА

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган ўғлонларимиз бугун уйларида – қадрдон гўшаларида, ота-оналарининг бағрида. Йигитлик мактаби ҳисобланган армияда тобланиб, чиниқиб, тоғни талқон қилишга шай турган ўғлонни, Ватанига ишончли суянч, таянч бўла оладиган алпни табиийки, давлатимиз ўз ҳолига ташлаб қўймайди. Аниқроқ қилиб айтганда, Ватанига, халқига фойдаси тегиши учун бирон-бир ишга жойлашиши, бирон касбнинг «этагидан» тутишига ёрдам беради. Баралла айта оламизки, бу ислоҳотларимиз меваси. Эътибор бераётган бўлсангиз, чақирув арафасида эълон қилинаётган қарорларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига резервга бўшатилганларни иш билан таъминлаш борасида алоҳида кўрсатмалар берилмоқда. Жойларга хизмат сафари билан борганимизда тегишли вазирлик ва идораларнинг мазкур муҳим масалага улкан эътибор қаратишаётганини, резервга бўшатилганларнинг бандлиги борасида мунтазам мониторинг олиб боришаётганини кўрганмиз.

Президентимизнинг жорий йил 3 мартда эълон қилинган Қарорида «Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда Қуролли Кучлардан резервга бўшатилган фуқароларни ишга жойлаштириш комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар, улар учун хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаровий мутахассисликларини ҳисобга олган ҳолда иш жойлари олдиндан тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар» дейилган.

Хўш, қарор ижроси қай даражада амалга оширилмоқда? Резервга бўшатилганларнинг бандлик масаласи, ижтимоий ҳимояси қай даражада ўз ечимини топмоқда? Хоразм вилоятида бўлганимизда бундайин саволларга жавоб изладик.

Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Қуролли Кучлар сафидан резервга бўшатилганларнинг иш билан таъминланиши борасида мунтазам мониторинг ўтказиб келади. Шу сабабли муаммолар ҳам, ютуқлар ҳам дарҳол кўзга ташланади. 2006 йилнинг 15 май ҳолатигача бўлган маълумотлар билан танишамиз. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Р.Қурбонов имзоси билан берилган мониторинг натижаларини таҳлил қиламиз. Энг аввало шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, соҳа ходимлари резервга бўшаган барча фуқароларнинг уйларига боришган. Табиийки, бу ўринда резервга бўшаганларнинг эҳтиёжи, режа ва таклифлари ўрганилади. Дейлик, кимдир олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқчи, кимдир муддатли ҳарбий хизматгача фаолият юритган иш ўрнига тикланмоқчи, кимдир хизмат даврида эгаллаган ҳарбий ва фуқаровий мутахассисликларига мос ишга кирмоқчи. Буларнинг бари ҳисобга олинади, таклифлар, ёрдамлар берилади. Хуллас, бундайин ташрифлар Қарор ижросининг сифатини янада оширади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, резервга бўшатилганларнинг бандлиги билан боғлиқ вазият Хива, Боғот, Қўшкўпир, Гурлан туманларида, Урганч шаҳрида нисбатан яхши. Вилоят бўйича юқорида кўрсатилган сана бўйича олиб қараладиган бўлса, армиядан қайтган йигитларнинг 70 фоиздан зиёдроғи иш билан таъминланганини билиб оламиз. Бизни қувонтирган нарса – вилоят бўйича резервга бўшатилган йигитларнинг энг кўп қисми, аниқроғи 30 фоизга яқини тадбиркорлик йўналишларида ўз ўринларини топганидир. Буни таъкидлаётганимиз сабаби, мамлакатимизда тадбиркорликни, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга улкан эътибор берилаётгани, демакки, бу борадаги сиёсатни ёшларимиз тўғри англашаётгани. Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг 2006 йилги муҳим устувор йўналишлари сифатида хусусий секторни, яъни тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратганини инобатга олсак, вилоятда мазкур йўналишда муҳим ишлар олиб борилаётганига амин бўламиз.

Урганч шаҳридан икки нафар, Қўшкўпир туманидан бир нафар армиядан қайтган йигит ҳуқуқ-тартибот соҳасига ишга кириш учун ҳужжатлар топширгани ҳам диққатга сазовор. Демак, ҳарбий хизмат хоразмлик йигитларни Ватаннинг профессионал посбонлари бўлиш сари руҳлантирмоқда.

Рақамларни кузатишда давом этадиган бўлсак, вилоятда резервга бўшатилганларнинг 16 фоизи муддатли ҳарбий хизматгача ишлаган корхона ва ташкилотларига қайта тикланганлари, 10 фоизга яқини меҳнат бўлимлари томонидан ишга жойлаштирилганини билиб оламиз. Табиийки, май ойининг ўрталаригача бўлган бу маълумотлар янада бойиб, бандлик билан боғлиқ масаланинг ижобий ҳал этилиши сари янги-янги имкониятлар очилган бўлиши керак.

– Тавсияномалар билан келишган йигитларимиз жуда кўп. Ишонамизки, улар олий ўқув юртларига ўқишга киришиб, давлатимиз яратаётган бундайин имтиёзлардан самарали фойдаланиб, Ватаннинг етук мутахассислари бўлишади, – дейди вилоят мудофаа ишлари бошқармаси масъул ходими подполковник Баҳром Исмоилов.

Тавсиянома билан резервга бўшатилганлардан бири хивалик Ҳамро Исмоиловдир. Йигитлик мактабида тобланган бу ўғлон узил-кесил бир қарорга келиб қўйган. У офицер бўлмоқчи. Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга кириш учун тайёргарлик кўряпти, айни пайтда.

Хива туманида резервга бўшатилганларнинг бандлиги билан боғлиқ масалага эътибор катта эканлиги борасида юқорида таъкидладик. Армиядан қайтибоқ «Хивагаз» ташкилотига ишга жойлашган Жуманиёз Раҳимовнинг қувончи бир олам. «Муддатли ҳарбий хизматни ўтаганим ишга қабул қилинишимда муҳим аҳамият касб этди. Халқимиз, давлатимиз бизга шундайин ишонч билдираётган экан, буни оқлаймиз».

Юнусжон Абдуллаев эса «Вафобобо» номли деҳқон-фермер хўжалигига ишга жойлашди. «Деҳқончиликка, фермерликка меҳрим баланд. Мана, ўзим севган соҳамда ишлаяпман. Президентимизнинг армия хизматини ўтаган биздек ёшларга Ватанимиз суяниши ва таяниши ҳақидаги гаплари мени руҳлантиради», – дейди у.

Шуҳратбек Жуманиёзов, Мақсадбек Отажоновлар Тавсиянома билан армиядан қайтганлардан. Улар вилоятдаги энг нуфузли олий таълим масканларида ўқиш учун бел боғлашган. «Энг муҳими ҳарбий хизмат бизга ҳаётда ўз ўрнимизни топиш учун улкан ёрдам берди», дейди улар баралла.

Хуллас, бугун армиядан қайтган йигит давлатимиз, халқимиз эътиборида. Уларнинг ҳаёт мактабида олишган билимлари, тажрибаси Ватаннинг истиқболи, порлоқ эртаси йўлига йўналтирилмоқда.

**Майор**
**Шерзод ТОЛМАСОВ.**

# ЁШ ПОСБОН – МАҲАЛЛА ИФТИХОРИ



Кейинги пайтларда маҳалла, халқимиз осойишталигини сақлаш, доимо огоҳ бўлиш давр талабига айланмоқда. Бундан ўзига етарлича хулоса чиқарган эл-юрт тинчлигини ўйловчи, қолаверса, ўзида ҳушёрлик, огоҳлик сингари фазилатларни мужассам этган ёш посбонлар сони тобора ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Чунки айнан шундай ёшлар давр талаби бўлмиш огоҳлик тушунчасини теран идрок этиб, маҳалла-кўй олдида ўз инсоний бурчларини сидқидилдан адо этадилар.

Шундай ҳалол, виждонли йигитларимиз сирасига ҳеч иккиланмай яқиндагина ҳарбий хизматдан қайтган тошкентлик Фурқат Рўзимуродовни киритишимиз мумкин. У ўз йигитлик бурчини ўташ баробарида шу азиз Ватан ўғлони эканлигини ва она заминининг ҳар бир қаричи муқаддаслигини англаб етди.

Ҳарбий хизматни шараф билан адо этиб, ота-онаси бағрига қайтган Фурқат «Халқ банки»нинг туман бўлимида фаолият кўрсатмоқда. Асосий ишидан бўш вақтларда эса ўзи ўсиб улғайган Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги «Шодлик» маҳалласида жамоатчи посбон вазифасини аъло даражада уддалаб келмоқда. У маҳалла профилактика нозири майор Ғайрат Қимматовнинг кўрсатмалари асосида ҳар ҳафтада маҳалла ёшларини тўплаб, улар билан тарбиявий соатлар ўтказиб туради. Посбонлик фаолиятини бошлаганига оз фурсат бўлганига қарамай у ўзининг фидойилиги, жонкуярлиги билан маҳалла аҳлининг ҳурматига сазовор бўлди.

Ҳа, Республикамизнинг турли вилоят, шаҳар, қишлоқларида Фурқат сингари жамоат посбончилигига сидқидилдан камарбаста бўлган йигитларимиз жуда кўп. Юраги Ватан меҳри билан тўлиб-тошган ёшларимизнинг борлиги мустақил Ўзбекистонимизнинг осуда, фаровон турмушига ҳеч ким раҳна сололмаслиги аниқ эканлигини яққол исботи бўла олади.

**Даврон МУТАЛОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

# УНГА ИШОНСА БЎЛАДИ

«Армиядан ҳеч ким шаклланмай қайтмайди. Барчада олинган сабоқлар, таассуротлар бисёр», деган эди муддатли ҳарбий хизматни ўтаган йигитлардан бири. Дарҳақиқат, ҳаёт мактаби кўп нарсага ўргатади, йигит кишини тоблайди, чиниқтиради. Шунинг учун ҳам вақти келиб, ҳарбий либос ечилса-да Ватан ҳимоячиларига хос қатъият, вазифага масъулият билан ёндашиш ҳислатлари йўқолмайди. Улар ўз соҳибига бир умр ҳамроҳ бўлғусидир.

Фаррух Раҳматов йигитлик бурчини виждонан ўтаган кўплаб йигитлардан. Муддатли ҳарбий хизматни чегарачилар сафида ўтаган пойтахтлик ўғлон Ҳамза туманидаги Бобоохун Салимов номли маҳаллада истиқомат қилади. Дўстлари, қўни-қўшнилари унга «қўли гул» дея таъриф беришади. Бунинг боиси, у хонадонларда турли кўринишдаги таъмирлаш ҳамда безак бериш ишлари сир-синоатини яхши ўзлаштирган устадир.

– Армияга боришдан аввал ҳам усталичилик билан шуғулланганман, – дейди Фаррух. – Бироқ у пайтлари шогирд эдим. Ҳозир эса, мустақил равишда ишлайман.

Ҳолида опа Турғунбоева – маҳалла кенгаши раиси собиқ чегарачи ҳақида илиқ фикрлар билдириб, унинг жамоат ва маҳалла ишларида фаол, ҳашар йўллари билан ўтказилувчи турли тадбирлардан ўзини четга олмаслиги, қайтанга қўшниларни сафарбар қилишда жонбозлик кўрсатишини алоҳида таъкидлади. Шу ўринда айтиш жоизки, Раҳматовлар хонадони маҳаллада обрў-эътиборга эга оилалардандир.

Дарвоқе, Фаррухнинг айни пайтдаги саъй-ҳаракатлари ҳадемай бошланувчи тўйга тайёргарлик кўришга қаратилган. Қандай тўй дейсизми? Айнан ўша устанинг тўйи-да. Ҳа, уни таниган кўплаб гўзалларнинг орзуси орзулигича қоладиган бўлди, энди. Минг қилса ҳам, ҳавас қилса арзигулик – хушбичим, жисмонан бақувват, севимли касбининг фидойиси, шунингдек, армияда дунёқараши кенгайган, ҳаётга теран назар ташловчи йигит, у. Биласизки, ёшларнинг бошини қовуштиришдан олдин халқимиз урф-одатларига кўра қуда томон насл-насаби, келиб чиқиши ва юриш-туришлари обдон суриштирилади. Ўйлашимча, қизнинг ота-онаси ҳаёт мактаби «битирувчиси», маҳалла фаоли ва ташаббускорини учратганидан жуда хурсанд. Шубҳасизки, бундай фарзанддан ажойиб куёв, муносиб ота чиқади ҳамда унга ўз жигарбандини ишониб топширса бўлади. Хуллас, «тўйлар муборак!» деб қоламиз Фаррух Раҳматовга, унинг оила аъзолари ва маҳалладошларига.

**Катта лейтенант**
**Учқун САИДНАЗАРОВ.**

ВАТАНПАРВАР

Кўнгилга ташриф

# САҲНА ЭМАС, ТОМОШАБИН МУҲИМ

**Рақс санъати. Нақадар фусункор ва мафтункор. Гўзал куй-қўшиққа монанд нафис ҳаракатлар, ҳиром айлаш орқали яратилувчи рамзий образлар санъатдан йироқ инсонни-да ўзига ром этади, диққат-эътиборини тортади. Маълумки, муайян рақснинг сизу биз томоша қиладиган алфозга келиши ортида катта машаққат, тинимсиз меҳнат ётибди.**

Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли раққосалари билан суҳбатлашиш мақсадида Офицерлар марказий саройида бўлганимизда улар айнан машқ қилаётганди. Оммавий томошалар режиссёри, мазкур ансамблда узоқ йиллар мобайнида фаолият кўрсатиб келувчи устоз санъаткор Анатолий Голошапов қизларга мумтоз рақс сирларини ўргатиб, рақс элементларининг ҳар бирига алоҳида эътибор беришни шогирдларидан қатъий талаб қиларди. Мана, мусиқа янграши билан раққосалар бир хилда ҳаракатлана бошлашди. Гўё барчаси рисоладагидек туюлса-да ҳатто кичик хато ҳам синчков мураббий назаридан четда қолмади ва куй тўхтатилди. Яна кўрсатмалар ва йўл-йўриқлар... Гўзал ва хушбичим қизларнинг эса юзидан табассум аримайди. Ахир улар санъат оламига қадам қўйиб, унинг барча машаққату қийинчиликларини нозик елкаларига олишган. Уларнинг асосий мақсади рақс санъати сирларини мукаммал даражада ўзлаштириб, жонажон халқига хизмат қилиш, қолаверса, юртимизнинг турли гарнизонларида хизмат қилаётган Ватан ҳимоячилари ҳамда уларнинг оила аъзоларини хушнуд этишдир.

– Ансамблимизда айни пайтда ўн икки нафар раққоса фаолият кўрсатмоқда, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Қорақалпоғистон халқ артисти Марказий ашула ва рақс ансамбли бош балетмейстери Зиёда опа Мадраҳимова. – Уларнинг ҳар бири ўзбек рақс билим юрти ва академиясида таҳсил олиб, тажриба орттирган. Ораларида шартнома бўйича ҳарбий хизматчилар ҳам бор.

Зиёда опадан шогирдларининг турли танловларда иштироки хусусида сўраганимда, 2001 йилда Италияда бўлиб ўтган Халқаро ёшлар фестивалини ёдга олди. Сабаби, ўшанда ўзбек қизлари I ўринни эгаллаб, дунёга машҳур миллий рақс санъатимизни халқаро миқёсда яна бир бора намойиш қилишди. Шунингдек, республикамизда ҳар йили ўтказилувчи устоз санъаткор Мукаррама Турғунбоева номидаги рақс кўрик-танловида ижодий жамоа қизлари кучли учталикни забт этмоқдалар. Нигора Тошматова, Шаҳноза Каримова, Меҳринисо Қурбонова, Заҳро Шамшихоновалар шулар жумласидандир. Қолаверса, ансамбль раққосалари энг улуғ, энг азиз байрамимиз – Мустақиллик тантаналаридан ўрин эгалловчи ҳарбий блокда иштирок этадилар.

Машқлар ўртасидаги танаффусдан фойдаланиб, раққосалардан бирини суҳбатга чорладим.

– Хизмат сафарлари билан республикамизнинг барча вилоятларида бўлганмиз, – дейди Нигора Тошматова. – Ҳарбийлар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун ўтказилган концерт дастурларида иштирок этиб, кўп бора миннатдорчиликлар эшитганмиз. Бу, албатта, инсонга қандайдир куч, мадад бағишлайди ва янада ижодий парвозларга чорлайди.

Бу орада навбатдаги машқлар бошланди. Ўз устида астойдил ишлаётган қизларни кузатиб, уларнинг ғайрати, шижоатига тан берасан киши. Бу қизлар миллий армиямиз сафларида ўз бурчларини виждонан ўтаётган посбонлар даврасида турли шароитларда, полигонларда, чекка-чекка ҳарбий қисмларда бўлишган. Ватан ҳимоячиларини ўз санъати билан хушнуд этиш, маънавий ҳордиқ чиқаришларига хизмат қилиш уларга қувонч бағишлайди. Тўғри, ҳамма жойда ҳам ҳашаматли бинолар, безатилган саҳналар бўлмаслиги мумкин. Лекин барча жой учун хос бўлган умумийлик мавжуд. Бу ҳам бўлса – томошабин. Ҳа, айнан санъатга, маънавий озуқага ўч, самимий ва очиққўнгил томошабин. Зиёда Мадраҳимова таъкидлаганидек: «Саҳна эмас, томошабин муҳим».

Халқимиз, ҳарбийларимизга қувонч, завқу шавқ улашишда толмай хизмат қилиб келувчи Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли ижодий жамоасига, гўзал раққосаларига омад ва янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Катта лейтенант**
**Тўлқин ЖЎМАНАЗАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**
**Тимур КАРИМОВ суратга олган.**



Театральный сезон

# «ПОЛЕТЫ МАШРАБА»

Недавно театр «Ильхом» представил публике свой новый спектакль «Полеты Машраба». Премьера, о которой было известно уже с начала сезона, обещала быть интригующей. Причиной тому стали слова художественного руководителя «Ильхома» Марка Вайля о том, что в Узбекистане была найдена незавершенная опера Вольфганга Амадея Моцарта о Машрабе. Понять, означает ли это сенсацию мирового масштаба или является режиссерской задумкой, предстояло самим зрителям.

Главный герой – знаменитый поэт и мыслитель, чьи заслуги велики в усилении антиклерикальных мотивов поэзии, в укреплении ее мятежного духа. С юных лет Машраб был независимым и осознавал полную свободу человеческой личности от других людей и обстоятельств. Он всегда оставался равнодушным к призывам предпочесть отшельничество живой реальной жизни. В эпоху, когда почти безраздельно господствовали туманные учения об отрешении от земной жизни, Машраб обращал свой взор к живому человеку и его чаяниям, писал о любви и верности – величайших из человеческих чувств «Я сломал изображение всего сущего в этом мире», – сказал о себе поэт.

Еще при жизни его считали то святым, то сумасшедшим. И свой полет странствующий дервиш окончил не в уюте у домашнего очага и не в темнице. Он оставил после себя великое множество мифов и сказаний, которые и легли в основу построения спектакля «Полеты Машраба». В принципе «Ильхом» остался верен своим новаторским подходам к воплощению сюжета и передаче образов героев. Следует отметить, что одним их достоинств постановки стало присутствие всего 6 актеров-мужчин, которые и воплотили образы, будь то сам Машраб, хор ослов, несколько женщин или свита падишаха. Понять духовно развитие Машраба и наглядно увидеть все изменения, которые с ним происходили, помогло то, что почти каждый из артистов был «Машрабом на час». Нельзя не вспомнить о хорошей игре актеров, ибо все они могли быстро и с легкостью перевоплощаться в тот или иной образ. Особый колорит внесло живое исполнение музыки, как восточной, так и классической, которая сопровождала весь жизненный путь героя.

Ее подбор не случаен, как-никак спектакль позиционировался как опера Моцарта. Между прочим, эта необычная идея была придумана специально для отборочного тура фестиваля «Vorhoelle» в Вене, посвященного 250-летию со дня рождения великого австрийского композитора. Благодаря ей и, конечно же, талантливой игре актеров наш проект в числе других победителей выиграл грант на постановку «Полетов Машраба».

**Эналида ТЯН,**
**Рамиль ИСЛАМОВ.**

# ЧЕМПИОНАТ МИРА-2006

FIFA WORLD CUP GERMANY 2006

**Сегодня для миллионов любителей футбола во всем мире наступает долгожданное событие. В Германии стартуют матчи финальной стадии 18-го чемпионата мира по футболу. В двенадцати городах Германии – Берлине, Гамбурге, Ганновере, Гельзенкирхене, Дортмунде, Кайзерслаутерне, Кельне, Лейпциге, Мюнхене, Нюрнберге, Франкфурте и Штутгарте – в течение месяца будут проходить футбольные баталии между 32 сильнейшими сборными командами планеты.**

**Если же оценивать шансы финалистов, то стоит обратить внимание на группу «С», в которую попали сборные Аргентины, Кот-д'-Ивуара, Сербии и Черногории и Голландии. В этом плане к хозяевам чемпионата жребий был более благосклонен. Команде Юргена Клинсмана вполне под силу пройти групповой барьер, а сумеет ли она повторить подвиг товарищей 1954, 1974 и 1990 годов – покажет время. Кстати, на предшествовавшем чемпионате мира немцы лишь в финале уступили сборной Бразилии.**

**Пятикратным чемпионам мира предстоит выйти на поле 13 июня в матче против сборной Хорватии. Из стран Азии в одной компании с ними оказалась команда Японии. Кроме нее, континент представлен сборными Ирана, Саудовской Аравии и Южной Кореи.**

**Естественно, внимание большинства наших болельщиков приковано к группе «Н», где выступает сборная Украины. Подопечные Олега Блохина имеют превосходные шансы составить дуэт со сборной Испании и продолжить борьбу за медали.**

## A

ГЕРМАНИЯ, КОСТА-РИКА, ПОЛЬША, ЭКВАДОР

1-й тур
9 июня
1. Германия – Коста-Рика
2. Польша – Эквадор

2-й тур
14 июня
17. Германия – Польша
15 июня
18. Эквадор – Коста-Рика

3-й тур
20 июня
33. Эквадор – Германия
34. Коста-Рика – Польша

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ГЕРМАНИЯ | | | | | | | | | |
| КОСТА-РИКА | | | | | | | | | |
| ПОЛЬША | | | | | | | | | |
| ЭКВАДОР | | | | | | | | | |

## B

АНГЛИЯ, ПАРАГВАЙ, ТРИНИДАД И ТОБАГО, ШВЕЦИЯ

1-й тур
10 июня
3. Англия – Парагвай
4. Тринидад и Тобаго – Швеция

2-й тур
15 июня
19. Англия – Тринидад и Тобаго
20. Швеция – Парагвай

3-й тур
20 июня
35. Швеция – Англия
36. Парагвай – Тринидад и Тобаго

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| АНГЛИЯ | | | | | | | | | |
| ПАРАГВАЙ | | | | | | | | | |
| ТРИНИДАД И ТОБАГО | | | | | | | | | |
| ШВЕЦИЯ | | | | | | | | | |

## C

АРГЕНТИНА, КОТ-Д'ИВУАР, СЕРБИЯ И ЧЕРНОГОРИЯ, ГОЛЛАНДИЯ

1-й тур
10 июня
5. Аргентина – Кот-д'Ивуар
11 июня
6. Сербия и Черногория – Голландия

2-й тур
16 июня
21. Аргентина – Сербия и Черногория
22. Голландия – Кот-д'Ивуар

3-й тур
21 июня
37. Голландия – Аргентина
38. Кот-д'Ивуар – Сербия и Черногория

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| АРГЕНТИНА | | | | | | | | | |
| КОТ-Д'ИВУАР | | | | | | | | | |
| СЕРБИЯ И ЧЕРНОГОРИЯ | | | | | | | | | |
| ГОЛЛАНДИЯ | | | | | | | | | |

## D

МЕКСИКА, ИРАН, АНГОЛА, ПОРТУГАЛИЯ

1-й тур
11 июня
7. Мексика – Иран
8. Ангола – Португалия

2-й тур
16 июня
23. Мексика – Ангола
17 июня
24. Португалия – Иран

3-й тур
21 июня
39. Португалия – Мексика
40. Иран – Ангола

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| МЕКСИКА | | | | | | | | | |
| ИРАН | | | | | | | | | |
| АНГОЛА | | | | | | | | | |
| ПОРТУГАЛИЯ | | | | | | | | | |

## E

ИТАЛИЯ, ГАНА, США, ЧЕХИЯ

1-й тур
12 июня
9. Италия – Гана
10. США – Чехия

2-й тур
17 июня
25. Италия – США
26. Чехия – Гана

3-й тур
22 июня
41. Чехия – Италия
42. Гана – США

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ИТАЛИЯ | | | | | | | | | |
| ГАНА | | | | | | | | | |
| США | | | | | | | | | |
| ЧЕХИЯ | | | | | | | | | |

## F

БРАЗИЛИЯ, ХОРВАТИЯ, АВСТРАЛИЯ, ЯПОНИЯ

1-й тур
12 июня
12. Австралия – Япония
13 июня
11. Бразилия – Хорватия

2-й тур
18 июня
27. Бразилия – Австралия
28. Япония – Хорватия

3-й тур
22 июня
43. Япония – Бразилия
44. Хорватия – Австралия

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| БРАЗИЛИЯ | | | | | | | | | |
| ХОРВАТИЯ | | | | | | | | | |
| АВСТРАЛИЯ | | | | | | | | | |
| ЯПОНИЯ | | | | | | | | | |

## G

ФРАНЦИЯ, ШВЕЙЦАРИЯ, ЮЖНАЯ КОРЕЯ, ТОГО

1-й тур
13 июня
13. Франция – Швейцария
14. Южная Корея – Того

2-й тур
18 июня
29. Франция – Южная Корея
19 июня
30. Того – Швейцария

3-й тур
23 июня
45. Того – Франция
46. Щвейцария – Южная Корея

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ФРАНЦИЯ | | | | | | | | | |
| ШВЕЙЦАРИЯ | | | | | | | | | |
| ЮЖНАЯ КОРЕЯ | | | | | | | | | |
| ТОГО | | | | | | | | | |

## H

ИСПАНИЯ, УКРАИНА, ТУНИС, САУДОВСКАЯ АРАВИЯ

1-й тур
14 июня
15. Испания – Украина
16. Тунис – Саудовская Аравия

2-й тур
19 июня
31. Испания – Тунис
32. Саудовская Аравия – Украина

3-й тур
23 июня
47. Саудовская Аравия – Испания
48. Украина – Тунис

| | | | | | В | Н | П | М | О |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| ИСПАНИЯ | | | | | | | | | |
| УКРАИНА | | | | | | | | | |
| ТУНИС | | | | | | | | | |
| САУДОВСКАЯ АРАВИЯ | | | | | | | | | |



## 1/8 финала

24 июня
49 1A – 2B
50 1C – 2D

25 июня
51 1B – 2A
52 1D – 2C

26 июня
53 1E – 2F
54 1G – 2H

27 июня
55 1F – 2E
56 1H – 2G

## 1/4 финала

30 июня
Победитель 49
Победитель 50
Победитель 53
Победитель 54

## 1/2 финала

4 июля

## ФИНАЛ

9 июля

Матч за 3-е место
8 июля

## 1/2 финала

5 июля

## 1/4 финала

1 июля
Победитель 51
Победитель 52
Победитель 55
Победитель 56

Бош муҳаррир подполковник Камиль МИРГАЛАУТДИНОВ.

Навбатчи гуруҳ:
А. УСМАНОВ, А. КАМАЛОВ, Т. ЖУМАНАЗАРОВ, Х. МИРЗАЕВ.

Таҳририят фикри муаллифлар нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга келган қўлёзмалар, хатлар ва суратлар таҳлил қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 032 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета жума куни чиқади.

Телефонлар:
Бош муҳаррир ўринбосари – 153 17 98; масъул котиб – 153 04 60 (факс); ҳарбий хизмат ва тарбиявий ишлар бўлими – 153 02 51; давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқа боғлаш бўлими – 153 02 49; оммавий ишлар ва спорт бўлими – 153 08 72; маданият ва ижтимоий ҳаёт бўлими – 153 03 48; социология ва реклама бўлими – 153 54 76.

Обуна бўлими – 153 03 46. Навбатчи – 153 09 81.

Таҳририят манзили:
100031, Тошкент шаҳри, Миробод кўчаси, 21-уй.

«Ватанпарвар» газетаси таҳририятининг компьютер марказида Александр Смотриков ва Содиржон Масимов томонидан саҳифаланди. Дизайн ва рассом – Наталья Лаптева.
«Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30 уй.

Нашр кўрсаткичи 114 Буюртма № G-2486. Адади 24300.